

ФУҚАРОЛАРДА ДАХЛДОРЛИК ТУЙҒУСИГА ТЎСҚИНЛИК ҚИЛУВЧИ ИЛЛАТЛАР ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20583475>

Гулистон давлат университети
“Психология ва Ижтимоий фанлар” факультети
“Ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчиси
Душаев Акбаржон Жаникулович

Тарихий тараққиёт қарама-қаршиликлардан иборат. Ҳар қандай юксак инсоний фазилат ва бу фазилатни қарама-қарши иллати мавжуд. Бу инсон табиатидаги эзгулик ва ёвузликни доимо ёнма-ён яшаб келиши билан боғлиқ. Юксак инсоний фазилат ҳисобланган дахлдорлик туйғуси ҳам тўсқинлик қилувчи ижтимоий ва психологик иллатлар тизимни ич-ичидан емирувчи хавфлар мавжуд. Мазкур ва иллатларнинг мазмуни, сабаби, оқибати ва уларни бартараф этиш учун кураш ижамият ҳаётининг мазмуни бўлиб келган.

Машина шундай иллатлардан бири лоқайдлик ва бепарволикдир. Ҳатто бу ҳақида машҳур ҳикмат бор: "Дунёдаги энг катта ёмонликлар қабиллар томонидан эмас, балки сукут сақлаб турган лоқайд инсонларнинг розилиги билан содир этилади". Лоқайдлик, бепарволик атрофда содир бўлаётган воқеаларга, жамият муаммоларига ёки тизимдаги камчиликларга "Бу менга тегишли эмас", "Менга нима?" қабилда ёндашиш бўлиб, бунинг бош сабаларидан бири ижтимоий ишончсизлик, инсонларнинг ўз овози ёки ҳаракати бирор нарсани ўзгартиришига ишонмаслиги (ўрганилган чорасизлик), индивидуаллашувнинг кучайиши ҳисобланади. Жамиятда жинойатчилик ва адолатсизликнинг ортиши, жамоатчилик назоратининг йўқолиши, тизимларнинг чириши жараёнида инсон ва давлат ўртасидаги узилиш содир бўлади ва бундай шароитда фуқарода давлатга, жамиятга ва келажакка ишончсизлик ортиб, лоқайдлик, бепарволик шаклланади ва мустаҳкамланади.

Яна бир иллат эгоцентризм, худбинлик ҳисобланади. Бу шахсий манфаатларни умумий, миллий ёки жамоавий манфаатлардан мутлақ устун қўйиш бўлиб, инсон ўзини жамиятнинг аъзоси эмас, балки фақат истеъмолчиси сифатида кўради. Ҳозирда бу иллатнинг асосий сабаларидан бири, замонавий гипер-истеъмолчилик маданияти, тарбияда фақат шахсий

муваффақиятга урғу берилиши, умумий кадриятлар (ижтимоий капитал) инкирози бўлиб, бунинг натижасида ижтимоий шериклик ва бирдамлик парчалана бошлайди. Бундай муҳитда Ибн Халдун айтган "Асабия" (ижтимоий жишлик) йўқолади. Одамлар умумий мақсад йўлида бирлаша олмайди¹.

Дахлдорлик туйғусига фуқаролардаги маргиналлик ҳам жиддий таҳдид ҳисобланади. Маргиналлик -шахс ёки муайян гуруҳларнинг жамиятдаги сиёсий, иқтисодий ва маданий жараёнлардан четда қолиб кетиши, ўзларини бу тизимга бегона деб ҳис қилишидир. Жамиятдаги ўткир муаммолар ижтимоий тенгсизлик, коррупция, бюрократия, адолат мезонларининг бузилиши ва инсон ҳуқуқларининг ҳимоя қилинмаслиги натижасида фуқарода тизимга бўлган ишонч йўқолади. Агар бу ўткир муаммолар бартараф этилмаса маргиналлар қатлами кенгайиб боради ва дахлдорлик туйғуси жиддий шикастланади. Барча муаммоларни кимдир (давлат, раҳбар, ота-она) ҳал қилиб бериши керак деган фикр билан яшаш. Бунда инсон ўзини жараён иштирокчиси эмас, шунчаки томошабин деб билади. Узоқ йиллар давомида шакланган тоталитар ёки ҳаддан ташқари марказлашган бошқарув тизими тажрибаси; ташаббускорликнинг бўғилиши. Дахлдорлик туйғусини бўғувчи иллатларни йўқотиш – фақатгина маърифий чақириқлар билан ҳал бўлмайди. Бунинг истиқболи институционал ўзгаришларга ҳам боғлиқ. Инсон қачон ўзини муайян тизимга, юртга дахлдор ҳис қилади?

Қачонки у шу тизимда ўз кадрини кўрса, унинг меҳнати адолатли баҳоланса ва унинг овози аҳамиятга эга эканлигини амалда ҳис қилса. Дахлдорлик туйғусининг истиқболи - инсон капиталига ва ижтимоий адолатга тикилган сармоянинг ҳажми билан белгиланади. Ўзбекистон фуқароларида дахлдорлик туйғусини шакллантириш ва мустаҳкамлаш фақат бугунги куннинг вазифаси эмас, балки у узоқ тарихий илдизларга, миллий ҳуқуқий анъаналарга ва тизимли институционал асосларга эга. Инсоннинг ўз ватани, жамияти ва давлати тақдирига дахлдорлигини таъминловчи омиллар тарихан шаклланиб келган тарихий омилларнинг асосий кўриниши биргаликда яшаш ва ижтимоий шериклик маданиятининг муҳим қисми бўлган жамоавийлик (коллективизм) ва ҳашар анъанаси. Марказий Осиёнинг иқлим ва географик хусусиятлари (масалан, сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик) одамлардан доим бирлашишни талаб қилган. Каналлар қозиш, шаҳарлар мудофааси ва йирик қурилишлар ҳашар йўли билан қилинган. Ҳашар - бу шунчаки меҳнат эмас, балки "Бу ер менга тегишли, умумий ишга

¹ Ибн Халдун Муқаддима. Т. Шарк, 2025, 109-б.

менинг ҳам ҳиссам кўшилиши керак" деган дахлдорликнинг амалий кўринишидир¹.

Давлат ва жамият бошқарувидаги кенгаш, жамоат фикрини инобатга олиш ҳам давлат ва жамиятда дахлдорликни ва жипсликни мустаҳкамлаган. Амир Темурнинг "Давлат ишларининг тўққиз улушини кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улушини эса қилич билан амалга оширдим" деган тамойили фуқаролик дахлдорлигининг тарихий намунаси. Раият (халқ) давлат бошқарувида ва кенгашларда иштирок этиш орқали ўзини тизимнинг ажралмас қисми деб билган. Марказий Осиё давлатчилигида марказий ҳокимият билан бир қаторда маҳаллий жамоалар (маҳалла, уруғ, касб-ҳунар уюшмалари – цехлар) жуда катта автономияга эга бўлган. Одамлар ўз яшаш жойидаги муаммоларни марказдан буйруқ кутмасдан, ички дахлдорлик ва масъулият билан ҳал қилишган.

Замонавий дунёда дахлдорлик туйғуси куруқ ватанпарварлик шиорлари билан эмас, балки аниқ ҳуқуқий мақом ва кафолатлар орқали мустаҳкамланади. Янги таҳрирдаги Конституция (Ижтимоий давлат мақоми): Бош қомусимизда Ўзбекистоннинг "ижтимоий давлат" деб эълон қилиниши инсон кадр-қимматини ҳуқуқий жиҳатдан энг юқори чўққига олиб чиқди. Фуқаро давлатнинг унга ғамхўрлик қилаётганини (уй-жой, тиббиёт, таълим кафолатлари) қонунан ҳис қилганда, унда давлатга нисбатан жавоб дахлдорлиги ва масъулияти уйғонади¹.

Бундан ташқари жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонунчилик тизими ҳам фуқароларнинг давлат органлари фаолияти устидан назорат қилиш ҳуқуқи қонуний мустаҳкамлайди. Коррупцияга қарши курашиш, давлат харидларининг шаффофлиги ва мансабдор шахсларнинг халқ вакиллари (депутатлар) олдида ҳисобдорлиги ҳуқуқий жиҳатдан фуқарога "Сен бу мамлакатда шунчаки кузатувчи эмассан, сенинг назоратинг муҳим" деган хабарни беради. Фуқаро табиат олида ҳам маъсулиги кафолатланган. Конституция даражасида фуқароларнинг атроф-муҳитни асраш мажбурияти ва давлатнинг экологик ҳуқуқларни таъминлаш мажбурияти белгилангани келажак авлод олдидаги дахлдорликнинг ҳуқуқий пойдеворидир.

Дахлдорликни мустаҳкамлашнинг институционал омиллари орасида маҳалланинг ўрни беқиёсдир. Маҳалла - Ўзбекистонда дахлдорлик туйғусини ишлаб чиқарувчи энг асосий институтдир. Бу тизим фуқаронинг давлат билан бевосита тўқнашадиган ва ижтимоий шерикликни ҳис қиладиган бошланғич нуқтасидир. "Маҳалла еттилиги" тизими орқали маҳаллий

¹ Убайдуллаева Б. Ўзбек этнопедагогикаси тенденциялар. Т. Академнашр. 2018, 58-б.

¹ Yangi tahrirdagi O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. O'quv qo'llanma. Mualliflar jamoasi. T. Yuridik adabiyotlar publish. 2024, 216- b.

муаммоларни жойида ҳал қилиш фуқароларда "Менинг маҳаллам – менинг масъулиятим" деган фикрни уйғотади. Ўзбекистонда дахлдорлик туйғусини мустаҳкамлашнинг тарихий-ҳуқуқий ва институционал замини бор. Бироқ бу омилларнинг тўлиқ қувват билан ишлаши "Давлат - жамият - инсон" учлигидан "Инсон - жамият - авлат" тамойилига ўтиш суръатига боғлиқ. Институционал механизмлар қанчалик очик, рақамлашган ва бюрократиядан холи бўлса, фуқаронинг давлатга ва жамиятга бўлган ички дахлдорлик туйғуси шунчалик табиий ва мустаҳкам бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТ:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Тошкент: Ўзбекистон, 2023.
2. Shavkat Mirziyoyev. Янги Ўзбекистон стратегияси. - Тошкент: Ўзбекистон, 2022.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуни.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга оид фармон ва қарорлари.
7. . Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. - Тошкент: Маънавият, 2020.
8. . Маънавият асослари. Олий таълим муассасалари учун дарслик. - Тошкент: Маънавият, 2021.
9. . Фуқаролик жамияти назарияси ва амалиёти. Ўқув қўлланма. - Тошкент, 2020.
10. 9. Ижтимоий психология. Дарслик. - Тошкент: Ўзбекистон Миллий университети нашриёти, 2019.